O'zbekiston Respublikasi
Farg'ona viloyati
TOSHLOQ TUMANI
H O K I M I N I N G
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
Х О К И М А
ТАШЛАКСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2019 yil "14" февраль № 545 Toshloq shaharchasi

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги "Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўрисида"ги ПҚ-3699-сон қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 й., 07/18/3699/1184-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон) мувофиқ ва "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель), (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда; 2015 й., 30-сон, 402-модда) асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларини қўллаб туманда 2019 йил қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказилишини ташкил этиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2013 йил 2 апрелдаги 58-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, (миллий хавфсизлик хизмати, мудофаа ва ички ишлар бўлимидаги ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган техникалари бундан мустасно) юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган инспекция томонидан рўйхатдан ўтказилган техникалар белгиланган тартибда 2019 йил 1 мартдан 30 апрел кунига қадар йиллик техник кўрикдан ўтказилсин. Техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 2-иловага асосан тасдиқлансин.

4. Техник кўрикдан ўтказиш даврида комиссия таркибига киритилган масъул шахсларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб колиши инобатга олинсин.

5. Техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясига:

техник кўрикдан ўтказиш тўгрисидаги иш режани тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга етказиш, техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникаларни қайта техник кўрикдан ўтказиш, техник талабга жавоб бермайдиган, носоз техника воситаларини ишлатилишини қатъиян ман қилиш, техник кўрик давомида техникаларнинг мавсумга тайёргарлиги, ҳар бир тракторчи-машинистларда тегишли техника воситасини бошкариши учун рухсат этилган тоифанинг мавжудлигини, техникаларнинг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилганлигини ва бошка техник талабларга риоя этилганлигини қайта кўриб чиқиш ҳамда техник кўрикдан ўтган техникаларни тегишли далолатномалар асосида ишлашига рухсат беришни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

6. Тумандаги барча фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига иш режасида кўрсатилган муддатга кадар техникаларни техник кўрикка тайёрлаш ва техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш, техника техник кўрикдан ўтказилганлиги учун ундириладиган йиғимни белгиланган тартибда тегишли ҳисоб рақамга тўланишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

7. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил 27 январдаги 180-сонли карори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарор “Тошлоқ тонги” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Белгиланснинки, мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қодиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI TOSHLOQ TUMANI HOKIMLIGI BAYON QISMI **Ш.Абдусаломов**

Тошлоқ хокимининг 2019 йил
____ февралдаги "____"- сон
қарорига 1-илова

Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори томонидан рўйхатдан ўтказилган техникаларни 2019 йилда техник кўрикдан ўтказиш

ИШ РЕЖАСИ

№	Корхона ва ташкилотлар номи	Техник кўрик ўтказиш санаси	Техник кўрикдан ўтказиш манзили
1.	Навбахор Ф сервис ММТП	11.03.2019 йил	ММТП трактор парки
2.	Хонарик саховати ММТП	12.03.2019 йил	ММТП трактор парки
3.	Яккатут Ф сервис ММТП	13.03.2019 йил	ММТП трактор парки
4.	Заркент Ф сервис ММТП Зардўст Дўстлик саховати ММТП	14.03.2019 йил	ММТП трактор парки
5.	Кумарик саховати ММТП	15.03.2019 йил	ММТП трактор парки
6.	Садда кайрогоч ММТП	16.03.2019 йил	ММТП трактор парки
7.	Тошлоқ калби ММТП	18.03.2019 йил	ММТП трактор парки
8.	А.Тўхтабоев ММТП	19.03.2019 йил	ММТП трактор парки
9.	Оқ-олтин саховат сервис ММТП	20.03.2019 йил	ММТП трактор парки
10.	Тошлоқ тумани МТП	23.03.2019 йил	Тошлоқ МТП
11.	Тошлоқ "Агротехсервис" МТП	25.03.2019 йил	Тошлоқ "Агротехсервис" МТП
12.	Тошлоқ "Агрокимёҳимоя" ХАЖ туман филиали	26.03.2019 йил	Заркент Минерал ўғит тарқатиш шаҳобчаси
13.	Тошлоқ АЙБ	27.03.2019 йил	Тошлоқ АЙБ
14.	296 -ХКМК МЧЖ	28.03.2019 йил	296 -ХКМК МЧЖ
15.	Заркент Агросаноат касб-ҳунар коллежи	29.03.2019 йил	Заркент Агросаноат КҲК
16.	Улуғбек коммунал к.к.	30.03.2019 йил	Улуғбек коммунал к.к.
17.	Тошлоқ Агросаноат касб-ҳунар коллежи	01.04.2019 йил	Тошлоқ Агросаноат КХК
18.	"Тошлоқ пахта тозалаш заводи"АЖ	02.04.2019 йил	"Тошлоқ пахта тозалаш заводи"АЖ
19.	Тумандаги барча жисмоний шахсларга қарашли бўлган техникалар	2019 йил 11 мартдан 30 апрелгача	

Эслатма: Ҳафтанинг ҳар шанба кунлари жисмоний шахсларга қарашли бўлган 152 та техникаларни техник кўрикдан ўтказиш учун тўлиқ ҳолатда ҳудуддаги ММТП трактор паркида қабул қилинади.

Туман хокимининг 2019 йил
"__" февралдаги "____"- сон
қарорига 2-илова

Техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси

ТАРКИБИ

Р.Мамажонов - Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озик-овкат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлимининг катта инспектори, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

1. Б.Якубов - Туман ҳокимлиги бош мутахассиси
2. М.Мадиев - "Оқ-олтин" ММТП мутахассиси
3. Р.Эгамбердиев - Тошлоқ Агросаноат касб-ҳунар коллежи механиги
4. О.Мамажонов - Туман "Агросервис" МТП бўлим бошлиғи
5. И.Қодиров - Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари